

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бтда)

3. Белгилансинки: а) 2019 йил 1 декабрда қадар мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш ишлари 25 фоиздан кам бўлмаган ҳажмда бажарилган битимлар бўйича кредитларни молиялаштириш учун зарур бўлган 182 миллиард сўм маблағлар Молия вазирлиги томонидан 2020 йил учун Давлат бюджетидан Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига мувофиқ ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича харажатлар учун назарда тутилган маблағлар доирасида 2020 йил 1 мартга қадар ажратилади. Бунда кредитлар 15 йил муддатга, шу жумладан, 3 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 1 фоизли ставка бўйича берилди;

б) 2018-2019 йилларда белгиланган тартибда тузилган 300 дан ортиқ битимлар бўйича кредитлар:

Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоятларнинг маъмурий марказлари ҳамда 1-иловада келтирилган вилоят бўйсунувидagi шаҳарларда — 15 йил муддатга, шу жумладан, 3 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 12 фоиз ставка бўйича;

туманларнинг маъмурий марказларида — 15 йил муддатга, шу жумладан, 3 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 8 фоиз ставка бўйича;

туманларнинг бошқа ҳудудларида — 15 йил муддатга, шу жумладан, 3 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 5 фоиз ставка бўйича берилди;

2020 йилда халқаро молия институтларидан ушбу мақсадлар учун жалб этиладиган имтиёзли кредитлар (қарзлар) ҳисобидан молиялаштирилади;

в) 2021 йил ва келгуси йилларда тузиладиган битимлар бўйича кредитлар:

тижорат банклари томонидан мустақил белгиланадиган фоиз ставкаларида берилди; халқаро молия институтларидан жалб этиладиган имтиёзли кредитлар (қарзлар), шунингдек, давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш учун аввал ажратилган кредитлар бўйича хусусий шерик томонидан қайтариладиган асосий қарзлар ҳисобидан молиялаштирилади;

г) 2018-2019 йилларда белгиланган тартибда имзоланиб, молиялаштирилмаган ҳамда келгуси йилларда тузиладиган битимлар бўйича кредитлар ушбу битимларда назарда тутилган хусусий шерикнинг ўз маблағлари ҳисобидан бажарилиши (сотиб олиниши) лозим бўлган ишлар (товарлар) тўлиқ амалга оширилганидан сўнг, тижорат банклари томонидан молиялаштирилади.

4. Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарорнинг:

3-банди "а" кичик бандида кўзда тутилган кредитлар бўйича хусусий шерик томонидан туланадиган фоизлар хизмат кўрсатувчи тижорат банкида тўлиқ қолдирилади;

3-банди "б" кичик бандида кўзда тутилган кредитлар бўйича хусусий шерик томонидан туланадиган фоиз ставкасининг 2 фоизи хизмат кўрсатувчи тижорат банкида қолдирилади, қолган қисми Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети даромадига ўтказилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Мактабгача таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда 2020-2021 йилларда давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш учун халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитларини (қарзларини) жалб қилиш чораларини кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда давлат-хусусий шериклик асосида ташкил қилинадиган нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини устувор тартибда Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоят бўйсунувидagi шаҳарлар, шунингдек, вилоят ва туманларнинг маъмурий марказларида ташкил этилишига эътибор қаратсин;

ҳудудларда мавжуд мактабгача таълим ташкилотларининг қуввати ва қамровини ўрганиб чиқсин ҳамда унда яшаётган аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда янги ва фаолият юритаётган нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг кўшимча ўринларга бўлган эҳтиёжини аниқласин;

2020 йил ва келгуси йилларда битимларнинг фақатгина халқаро молия институтларидан жалб қилинган кредитлар (қарзлар) ҳамда давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш учун аввал ажратилган кредитлар бўйича хусусий шерик томонидан қайтариладиган асосий қарзлар ҳисобидан махсус очилган шахсий газна ҳисобварағида жамланган маблағлар доирасида тузилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хусусий шерикларга берилган кредитлар ҳамда мактабгача таълим ташкилотларига ажратилган бюджет субсидиялари мақсадли ва самарали ишлатилиши бўйича доимий мониторингинг йўлга қўйсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги "Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3651-сон

қарорига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

10. Мазкур қарор ижроси куйидаги тартибда амалга оширилар:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж. А. Қўчқоров — мазкур қарор ижросини сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида таъминласин, белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил қилсин ҳамда мувофиқлаштирсин, ҳар чорақда улар раҳбарларининг бажарилган ишлари тўғрисидаги ҳисоботларини қабул қилсин ҳамда аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этсин;

Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазири А. В. Шин — шаклланган маблағлар доирасида битимларни ўз вақтида тузиш ва амалга ошириш бўйича барча зарур чораларни кўрсин, хусусий шерикларга имтиёзли кредитлар олишда кўмаклашсин, тадбиркорлик субъектлари томонидан битим талаблари бажарилиши устидан доимий мониторингинг йўлга қўйсин, мазкур қарорда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишда масъул ташкилотларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатсин ҳамда унинг ижроси бўйича ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб бориш;

масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари — мактабгача таълим соҳасида хусусий шерикликни ривожлантиришга қаратилган зарур шарт-шароитларни яратиши, мазкур қарорда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажариш юзасидан барча чораларни амалга оширсин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А. К. Қўчимов, Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси раиси в. б. А. Д. Халдужамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори — мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид мақолалар, брифинглар, пресс-конференциялар, тематик телекўрсатувлар ташкил этсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 30 январь

БИЗ ва ЖАҲОН

"Халқ сўзи" учун махсус

ДУНЁ ЖАМОАТЧИЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТАШАБУСЛАРИНИ Қўллаб-қувватламоқда



Ўзбекистон дунёга машҳур олим ва мутафаккирларга бешик бўлган табаррук заминдир. Ишончим комилки, таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар, билим олиш учун яратилаётган шароитлар республикада замонавий салоҳиятга эга олимларнинг янги авлодини шакллантириш имконини беради.

Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоиздан кўпрогини ёшлар ташкил этишини инобатга олсак, таълим соҳасини янада такомил-

лаштириш жуда муҳим масала экани ойдинлашади. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон ҳукумати ва халқига ўз мақсадларига эришишда муваффақиятлар тилайман.

Жак ЧАМИКОРН, Wincoplast Industrial Park Public Company Limited компанияси директорлар кенгаши раиси (Таиланд):



берил ш тажрибаси йўқ. Аммо бу амалиёт Ўзбекистонда жуда самара келтираётганига амин бўлдим. Давлатнинг раҳбарининг солиқ тўловчиларининг вақт ва пулларини қадрлаш бўйича чақирғини алоҳида таъкидлаш ўринли. Бу ижтимоий соҳада муаммолар долзарб бўлган кўплаб ривожланаётган мамлакатлар учун ҳам ўзига хос мурожаатдир.

— Олий Мажлисга йўлланган Мурожаатнома Президент Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатни ривожлантириш бўйича келгуси йилларга йўлланган стратегик ёндашувини ўзда акс эттирди. Иқтисодийга давлат аралашувини камайтириш ва бизнесни либераллаштириш, инвестицияларни жалб қилиш, адолатли рақобатни ривожлантириш бўйича эълон қилинган ташаббуслар жуда долзарбдир. Таиландда йилга аниқ ном

Зўриққан сармоя киритиш истагиди тадбиркор сифатида Президентнинг "Хориқлик инвесторлар ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатланади, ҳурмат қилинади ва химоя қилинади", деган сўзлари менга манзур бўлди. Шу маънода, мамлакатга янги инвестициялар келиб қелишини кафолатли учун ишбилармонлик муҳитини сезиларли даражада яхшилаш янги таркибдаги парламент ва Вазирлар Маҳкамасининг устувор вазифаси бўлмоғи керак, деб ҳисоблайман.

Вольфганг ШАРЕК, Ростоқ университети ректори (Германия):



Йили" деб эълон қилинган муҳим аҳамиятга эга. Бу, ўз навбатида, таълим сифатини яхшилаб, ёшларнинг чуқур билим олиши, шунингдек, рақобатбардош иқтисодий шакллантириш учун зарур имконият яратди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида илм, маърифат, рақамли иқтисодиёт ва технологиялар ривожига алоҳида аҳамият қаратилгани таҳсинга сазовор. Бинобарин, бугунги чекланган ресурслар шариоитида илм-фанни ривожлантириш, сийсий, иқтисодий, ижтимоий жаҳаларда замонавий технологияларни кенг жорий қилиш мамлакат тарқиқетининг кафолати ҳисобланади. Шу боис Президент тақлифи билан 2020 йил мамлакатда "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш

Хозирги кунда Ўзбекистоннинг Андижон давлат тиббиёт институти билан ҳамкорликда "Тиббиёт биотехнологияси" ихтисослиги бўйича университетимизда магистратура мутахассислигининг қўшма таълим дастурини ташкил этиш ишлари олиб бориламоқда. 2020/2021 ўқув йилида манабулаб эса Ўзбекистонли талабалар ушбу ихтисослик бўйича Андижон давлат тиббиёт институти ҳамда Ростоқ университетида таҳсил олиб, миллий ва халқаро стандартларга мос дипломага эга бўлади.

Альберт ТУРКСТРА, Европа институтининг Осиё тадқиқотлари мувофиқлаштирувчиси (Бельгия):



— Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистондаги ўзгартишларни диққат билан кузатишимиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакат парламентига йўлланган Мурожаатномаси нафақат мамлакат, балки минтақа учун янги давр мубайнидаги муҳим воқелиқдир.

Мурожаатномада илгари сурилган ташаббуслар Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни навбатдаги боқкичга олиб чиқади.

Бу йил "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб эълон қилиниши мамлакатда рақобатбардош иқтисодиётни берпо этишга замин яратди. Ёшлар, шу жумладан, олий ўқув юрлари битирувчилари учун янги иш ўринлари яратишни кафолатлайди.

Кайди этиш жоиз, Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётга ўтиш бўйича саяё-харакатларнинг жадаллаштирилиши Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича янгилаётган стратегиясига тўлиқ мос келади. Зеро, Европа Иттифоқи иқтисодиётни рақамлаштиришни ўз сийёсининг муҳим унсурини, деб билади.

Президент мамлакатдаги камбағаллик билан боғлиқ ҳолат

қаҳида гапириб, қишлоқ жойларда аҳоли турмуш шариоитини яхшилашга тўхтади. Иқтисодий ривожланиш даврида шаҳар ва қишлоқ жойлари ўртасидаги тафовутни камайтириш борасидаги ана шундай қадамлар эътирофга сазовор.

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок этаётган оммавий ахборот воситаларини родини ошириш билан боғлиқ ташаббуслар биз учун ҳам муҳимдир. Чунки бу давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларига мосдир.

"Дунё" АА.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХИТОЙДА БЎЛИБ ТУРГАН ФУҚАРОЛАРИ МАМЛАКАТИМИЗ ДИПЛОМАТИК ВАКОЛАТХОНАЛАРИ ЭЪТИБОРИДА



Маълумотларга кўра, 30 январь ҳолатига дунё миқёсида ушбу вирусни юқтирилганлар сони 7 миң 800 га яқин, қурбонлар сони эса 170 кишини ташкил этмоқда. Шунингдек, 133 кишини ушбу касалликдан даволашга эришилгани айтилмақда.

Хитойнинг "Синьхуа" ахборот агентлиги юқумли касалликлар бўйича етакчи мутахассис Чшон Наньшан (Zhong Nanshan) фикрига таянган ҳолда, вирус тарқалиши хали энг юқори нуктасига етмагани, юқумли касалликнинг тарқалиши ниҳоясига етишига узоғи билан ўн кун борлиги тўғрисида хабар тарқатди.

Қисқача айтганда, айни кунларда Хитойда мазкур вирус тарқалиши туфайли юзага келган мураккаб эпидемиологик вазият ҳукм суриб турибди. Шу боис Ўзбекистон Республикаси ташқи сийёсат маҳкамаси томонидан Хитойда коронавирус тарқалиши билан боғлиқ вазиятни, ватандошларимиз соғлиғига бўлган эҳтиёмли хавф-хатарларни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимиз фуқароларига Хитойга хизмат юзасидан, савёат ва бошқа мақсадларда сафарга чиқшидан сақланиб туришлари қатъий тавсия этилгани бежиз эмас.

Хитойда коронавирус эпидемияси тарқалиши муносабати билан мамлакатимизнинг Пекиндаги элчихонаси ҳузурида штаб ташкил этилган.

Ушбу штаб томонидан корона-вирус тарқалишининг ўчоғи ҳисобланган Хубэй провинцияси ва Хитойнинг бошқа минтақаларида юзага келган аҳолини мониторинг қилиш ҳамда Ўзбекистон фуқароларига ҳар томонлама кўмак кўрсатиш юзасидан изчил ишлар олиб бориламоқда.

Хитойнинг турли олий ўқув юрларида таҳсил олаётган талабалардан иборат. Жорий йил 29 январь ҳолатига кўра, Хубэй провинциясида мамлакатимизнинг 81 нафар фуқароси қолган. Ўзбекистонлик талабаларнинг аксарияти январь ойи иккинчи ярмининг бошида Хитойдаги Янги йил байрами муносабати билан Ўзбекистонга таътилга жўнаб кетган.

Хитойда коронавирус эпидемияси тарқалиши муносабати билан мамлакатимизнинг Пекиндаги элчихонаси ҳузурида штаб ташкил этилган.

Штаб аъзолари ҳамда мамлакатимизнинг Шанхайдаги Бош консулини ходимлари нафақат Хубэй провинцияси, балки бутун мамлакат ҳудудидаги Ўзбекистон фуқаролари билан доимий алоқада бўлиб турибди. Ухань шаҳрида қолган талабаларимиз ахволи билан боғлиқ вазиятни мунтазам кузатиб бориш, уларга консуллик-хуқуқий ва бошқа амалий ёрдам кўрсатишга жиддий эътибор қаратиламоқда.

Энг муҳими, Хитойда Ўзбекистонлик талабаларнинг саломатлиги билан боғлиқ ҳеч қандай шикоятлар мавжуд эмас.

Мамлакатнинг карантин ҳолати жорий этилмаган ҳудудларидан юртдошларимизнинг Ўзбекистонга қайтишлари кўмаклашиш билан боғлиқ ташкилий ишлар мамлакатимизнинг Пекин ва Шанхай шаҳарларидаги дипломатик ваколатхоналари томонидан изчил амалга ошириламоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Хитойда кенг тарқалган

оммабоп "Wechat" ижтимоий тармоғида ташкил этилган ахборот улашиш гуруҳлари, телефон кўнгиноқлари воситасида кечаю кундуз давомида Хитой ҳудудида бўлиб турган Ўзбекистонликларнинг бирорта ҳам мурожаати эътиборсиз қолдирилмаётган. Штаб томонидан Уханьдаги Ўзбекистонликларгагина эмас, балки бошқа провинцияларда бўлиб турган юртдошларимизга ҳам озиқ-

лиги, коронавирус ўчоғи ҳисобланган Хубэй провинциясида Хитой ҳукумати ушбу эпидемия ва унинг асоратларини бартараф этиш, шовишлич тиббий ёрдам кўрсатиш учун барча зарур чора-тадбирларни кўраётгани, мазкур жараёнга юқори малакали тиббиёт мутахассислари, дори-дармон препаратлари, диагностика ва даволаш дастурлари, лозим даражадаги моддий ресурслар жалб этилгани (27,3 миллиард юань ёки 3,96 миллиард доллар), мамлакат ҳукумати бу борада Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан яқин ҳамкорликда иш олиб бораётгани, хорижий мамлакатлар томонидан ҳам тегишли кўмак кўрсатилганлиги юртдошларимизнинг эътиборига ҳавола этилмақда. Шунингдек, Хитой ҳукумати расмийларининг янги вирусга даво топиш ҳақидаги баёнотлари мазмуни билан ҳам таништирилмоқда.

Алоҳида қайд этиш керакки, элчихона ҳузурида ташкил этилган штабга мурожаатларнинг аксарияти талабаларнинг Ўзбекистонга қайтиб кетиш учун ҳаво қатновлари, Хитой визаси муддати тугаши муносабати билан ёрдам кўрсатиш, хозирги вазиятда қандай йўл тутиш бўйича маслаҳат олиш сингари масалалардан иборат бўлмақда. Штаб томонидан бирорта ҳам мурожаат эътиборсиз қолдирилмагани ҳолда барчасига атрофлича жавоб, маслаҳат ва амалий кўмак кўрсатилляпти.

Бундан ташқари, Хитойда қолган юртдошларимиздан хавотир олаётган ота-оналар ҳам штаб аъзоларига "Telegram", "lmo" сингари хабар узатиш тармоқлари орқали фарзандларига ёрдам берилиши юзасидан Ўзбекистондан ёзма ва овозли мурожаатларни йўллашмоқда. Уларнинг барчасига тезкорлик билан жавоб бериляпти.

Шу билан бирга, хозирча дунёнинг бирорта ҳам мамлакатига, хусусан, Ўзбекистонга ҳам янги турдаги коронавируси даволаш имконияти мавжуд эмаслиги боис ўзларининг тиббий хавфсизлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратишлари зарур-

лиги, коронавирус ўчоғи ҳисобланган Хубэй провинциясида Хитой ҳукумати ушбу эпидемия ва унинг асоратларини бартараф этиш, шовишлич тиббий ёрдам кўрсатиш учун барча зарур чора-тадбирларни кўраётгани, мазкур жараёнга юқори малакали тиббиёт мутахассислари, дори-дармон препаратлари, диагностика ва даволаш дастурлари, лозим даражадаги моддий ресурслар жалб этилгани (27,3 миллиард юань ёки 3,96 миллиард доллар), мамлакат ҳукумати бу борада Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан яқин ҳамкорликда иш олиб бораётгани, хорижий мамлакатлар томонидан ҳам тегишли кўмак кўрсатилганлиги юртдошларимизнинг эътиборига ҳавола этилмақда. Шунингдек, Хитой ҳукумати расмийларининг янги вирусга даво топиш ҳақидаги баёнотлари мазмуни билан ҳам таништирилмоқда.

Алоҳида қайд этиш керакки, элчихона ҳузурида ташкил этилган штабга мурожаатларнинг аксарияти талабаларнинг Ўзбекистонга қайтиб кетиш учун ҳаво қатновлари, Хитой визаси муддати тугаши муносабати билан ёрдам кўрсатиш, хозирги вазиятда қандай йўл тутиш бўйича маслаҳат олиш сингари масалалардан иборат бўлмақда. Штаб томонидан бирорта ҳам мурожаат эътиборсиз қолдирилмагани ҳолда барчасига атрофлича жавоб, маслаҳат ва амалий кўмак кўрсатилляпти.

Бундан ташқари, Хитойда қолган юртдошларимиздан хавотир олаётган ота-оналар ҳам штаб аъзоларига "Telegram", "lmo" сингари хабар узатиш тармоқлари орқали фарзандларига ёрдам берилиши юзасидан Ўзбекистондан ёзма ва овозли мурожаатларни йўллашмоқда. Уларнинг барчасига тезкорлик билан жавоб бериляпти.

Шу билан бирга, хозирча дунёнинг бирорта ҳам мамлакатига, хусусан, Ўзбекистонга ҳам янги турдаги коронавируси даволаш имконияти мавжуд эмаслиги боис ўзларининг тиббий хавфсизлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратишлари зарур-

лиги, коронавирус ўчоғи ҳисобланган Хубэй провинциясида Хитой ҳукумати ушбу эпидемия ва унинг асоратларини бартараф этиш, шовишлич тиббий ёрдам кўрсатиш учун барча зарур чора-тадбирларни кўраётгани, мазкур жараёнга юқори малакали тиббиёт мутахассислари, дори-дармон препаратлари, диагностика ва даволаш дастурлари, лозим даражадаги моддий ресурслар жалб этилгани (27,3 миллиард юань ёки 3,96 миллиард доллар), мамлакат ҳукумати бу борада Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан яқин ҳамкорликда иш олиб бораётгани, хорижий мамлакатлар томонидан ҳам тегишли кўмак кўрсатилганлиги юртдошларимизнинг эътиборига ҳавола этилмақда. Шунингдек, Хитой ҳукумати расмийларининг янги вирусга даво топиш ҳақидаги баёнотлари мазмуни билан ҳам таништирилмоқда.

ТАРИХИЙ ТАШАББУС ВА ҲОЯЛАР КЎП МИЛЛАТЛИ ХАЛҚИМИЗНИ РОЗИ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН

Президентимизнинг Олий Мажлисиغا Мурожаатномасида мамлакатимизда илм-фанни янада раванқ топтириш, ёшларни чуқур билим, юксак маънавиятга эриштириш, рақобатбардош иқтисодий шакллантириш борасида қўллаб-қувватлаш билдирилди ва бошланган ишлар янада жадал давом эттирилиши таъкидланди. Буни жорий йилга "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб ном берилганидан ҳам англаш қийин эмас. Бу ҳақда парламент куйи палатаси депутатлари фикрлари билан қизикдик.

«Оёғимиздаги кишан»га қарши сўзда эмас, амалда жиддий курашиш лозим

Наримон УМАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси раҳбари:



— Бирор воқеа ҳаётингизни ижобий томонга ўзгартдишга ишонсангиз, уни интизорлик билан кутасиз.

Президентимизнинг Олий Мажлисига йўллаганидан Мурожаатномаси ҳам ўтган давр мобайнида шундай воқеалар айланди. Аҳамиятлиси, ушбу Мурожаатномани нафақат парламент аъзолари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, ижро ҳокимияти, зийлилар, балки чекка-чекка қишлоқлардаги халқимиз, аниқроқ айтганда, оддий одамлар ҳам кутганидан бўлди. Чунки улар ҳар йили давлат раҳбарининг парламентга Мурожаатномасида ўз ҳаётини яхшилашга оид янги фикр, янги ғоя, янги ташаббуслар янграганини билишди.

тингланган кутилган умидлардан зиёددир нарсаларни олди, деб ўйлайман. Чунки унда бир қатор тарихий ташаббуслар, янги тақдирлар янгради. Жумладан, диққатимизни тортган бир йўналиш борки, бу — "прописка" масаласидир. Ушбу муаммо узоқ

йиллардан бери қўллаб-қувватлашнинг ҳақиқий эътирозига сабаб бўлиб келаётган эди.

Айни шу тўғрисида "Пропискадан ўтиш" тизимига янгича ёндашиш, фуқароларимизнинг ўз хоҳиш-истакларидан келиб чиқиб, доимий яшаш жойини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминловчи ҳуқуқий асосни босқинча-босқинча тақомиллаштириш бориси" масаласи кўриштирилди. Сайловиди деб аталган, учрашувларда рақиб партиялар томонидан ушбу фикр яқин йиллар ичида ечимини топмаслиги ва сайловчилар овозини олиш учун қилинган популистик чақирим, деганга ўхшаш эътирозлар ҳам бўлди.

Бугун давлат раҳбари томонидан узоқ йиллар давомида халқимизни қийнаб келган адолатсиз тизимни бартараф этиш вақти келгани таъкидлангани кўпчилигимизни қўллади.

Шу билан бирга, коррупцияга қарши курашиш мамлакатимизнинг навбатдаги ислохотлар даражасидаги асосий йўналишларидан бирига айланганини қайд этилди. Эндиликда ушбу йўналишга, яъни "оёғимиздаги кишан"га қарши сўзда эмас, амалда жиддий кураш бошланади.

Бу борада партияимизнинг ҳам ўз тақдирлари ва дастурий йўналишлари бор. Маълумки, мазкур йўналиш билан курашишда қайси-бир давлат органи ёки бирон-бир қонун билан керакли натижага эришиб бўлмайди. Бунда энг асосий восита, ечим, курашга кенг жамоатчиликни, фуқароларимизни, халқимизни фаол жалб қилишдир. Бунинг учун, аввало, мазкур масалаларни қонунчиликда акс эттириш керак.

Умуман олганда, Мурожаатномани илгари юксак минбарлардан янграмаган яна қўллаб-қувватлаш бор, ғоя ва фикрлар илгари сурилди. Уларнинг ҳар бири ижросини тўлиқ таъминлаш натижасида мамлакатимиз таракқиётининг янада жадаллашувига эришилади.

Экологик кодекс ҳуқуқий асосларни мустақкамлайди

Борий АЛИХОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари:



— Илм-фансиз, инновацион технологияларсиз ҳеч бир соҳада, шу жумладан, экология йўналишида ҳам натижага эришиб қийин. Шу маънода, давлатимиз раҳбари томонидан бугунги кунда инсоният олдидида энг асосий масалалардан бирига айланган экологик муаммоларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор.

Мурожаатномани Экологик партия олдига Ўзбекистон Республикасининг Экологик кодексини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Бинобарин, бу Қонунчилик палатасидаги Экология фракциясининг 2020 йилдаги фаолиятининг асосини ташкил этади. Шундан келиб чиқиб, партия экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатдан фойдаланиш соҳасидаги илгор ғояларни қўллаб-қувватлаш мақсадида партия қошида илмий-тадқиқот институтини ташкил этишни мақсад қилиб қўйган.

Хозирги кунда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини ўттизга яқин қонунлар ва 150 дан ортиқ қонунчилик ҳужжатлари тартибга солиди. Аммо амалда ҳуқуқий бўшлиқларнинг асосий қисми ижро ҳокимияти ҳужжатлари билан тўлдирилган. Бу соҳани юқори юридик кучга эга бўлган қонунлар билан тартибга солиш имконини бермапти. Экологик кодекснинг қабул қилиниши соҳани яқин тартибга солиш, ҳуқуқий қўллаш амалиётидаги қарама-қаршиликларни, бўшлиқларни бартараф этишга олиб келади.

Президентнинг вилоят,

Хамкорлик

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Соҳиб Сафоевнинг Швеция парламенти Спикерининг биринчи ўринбосари Аса Линдестам бошчилигидаги делегация билан учрашуви бўлиб ўтди.

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО САЛОҲИЯТНИ ИШГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Унда парламентлараро алоқаларни ривожлантириш истиқболлари муҳокама этилди. Олий Мажлис Сенати Раиси биринчи ўринбосарининг ўтган йили июнь ойида Стокгольмга амалга оширган ташрифи ва унда икки мамлакат парламентлари ўртасида ҳамкорликни мустақкамлаш тўғрисида келишувга эришилгани ўзаро алоқаларни ривожлантириш йўлида муҳим қадам бўлгани таъкидланди.

Швеция мамлакатимизнинг муҳим ҳамкори экани, муҳим томонлама муносабатлар ишонч ва ўзаро ҳурматга асослангани қайд этилди. Бу Швеция парламенти делегациясининг юқори даражадаги айл ташрифи экани айтиб ўтилди.

Аса Линдестам икки мамлакат парламентлари давлатлараро ҳамкорликни мустақкамлаш учун самарали фаолият олиб бориши лозимлигини қайд этди.

Швецияда юртимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасида юзага келган ишончли муносабатлар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгаришининг олдини олиш ҳамда Марказий Осиёда ва умуман, жаҳонда хавфсизликни таъминлаш бўйича Ўзбекистоннинг муҳим ташаббусларига юқори баҳо берилгани айтиб ўтилди.

Парламентлараро мулоқотни бойитишнинг устувор йўналишлари ҳақида сўз борганда, томонлар ўзаро ташрифларни бундан буён ҳам давом эттириш муҳимлигини

ни билдирди. Шунингдек, демократик жараёнларни мустақкамлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, матбуот эркинлигини, гендер тенглигини таъминлаш, иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг қонунчилик асосларини тақомиллаштириш йўлидаги икки мамлакат тажрибасини ўрганиш муҳимлиги ҳам ургу берилди.

Оқиб ва амалий мулоқот руҳида ўтган учрашувда томонлар ўзаро манфаатли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди. Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиши, шунингдек, Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фондини ривожлантириш йўлида ҳамкорлик қилиш ҳақида келишувларга эришилди.

Аса Линдестам бошчилигидаги делегация шу кун Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҳам бўлди. Меҳмонларни парламент куйи палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов қабул қилди.

Сўхбат чоғида икки мамлакат бизнес доиралари ўртасидаги шериклик имкониятларини кенгайтириш, ўзаро сармоя киритиш ҳажминини ошириш ва бу жараёнда парламентлараро салоҳиятни ишга солиш масалалари муҳокама қилинди.

Мулоқот якунида томонлар парламентлараро депутатлик корпуслари ўртасида доимий ишчи алоқаларни сақлаб туришга келишиб олдilar.

Мунисхон КАРИМОВА («Халқ сўзи»).

«Илмдан бошқа наҳот йўқ ва бўлмагай...»

Эркин ЗОҲИДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси:



— Президентимизнинг Олий Мажлисиغا Мурожаатномасида "Илм йўқ жойда қоқоқлик, жоҳол ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади" дея алоҳида таъкидланди. Жорий йилга "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб ном берилишида ҳам чуқур мазмун бор. Бу йилдаги барча эзу мақсадларимиз ана шу мезонга таянади.

Албатта, буюқ аждодларимизнинг ворислари сифатида илм-маърифатни юксак қадрлаймиз. Юртимизда барча соҳанинг барқарор ва жадал ривожланиши учун илм-фанга бўлган эътибор ҳамда

эҳтиёжнинг нақадар юксак эканини кузатиш мумкин.

Олдимизда замонавий талаб-эҳтиёжларга ҳамохан равишда аҳолининг кенг қатлами орасида рақамли саводхонликни ошириш, уларда юқори технологияларга асосланган ахборот-коммуникация воситаларидан самарали фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, миллий иқтисодиётимизнинг барча соҳа ва тармоқларига рақамли технологияларни шиддат билан жорий этиш олдига мутахассисларни қисқа муддатларда тайёрлаш каби муҳим вазифалар турибди.

Мурожаатномада жорий йилда математика, кимё-биология, геология каби йўналишларда фундаментал ва амалий тадқиқотлар фаоллаштирилиб, олимларга барча шарт-шароит яратилиши ҳам алоҳида таъкидланди. Мамлакатимиз иқтисодиёти-

нинг истиқболли соҳалари тараққиётига хизмат қилувчи мазкур фан йўналишларида бундай эътибор келажакда ўз самарасини бериши, шубҳасиз.

Давлатимиз раҳбари шу йил 27 январь кунги соғлиқни сақлаш соҳаси ва илм-фан йўналишларини ривожлантириш масалаларига бағишланган йўналишда ҳам соҳанинг мутасадди ва олимлар эътиборини мавжуд муаммо ҳамда камчиликларга қаратди.

Хусусан, мазкур йўналишдаги ишларни тизимли ташкил этиш, устувор соҳаларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш, уларга эътиборни қучайтириш лозимлигини таъкидлади. Уйлаймики, илм номи билан боғлиқ равишда қабул қилиниши кутулаётган Давлат дастурида ҳам мазкур вазифалар ва уларни амалга ошириш механизмлари ўз ифодасини топади.

Пировад мақсадини ҳам миллий иқтисодиётимизни замонавий илм-фан ва инновацияларга таянган ҳолда тараққиёт этиришдан иборат. Зеро, Махмудхўжа Бехбудий айтганидек, "Илмдан бошқа наҳот йўқ ва бўлмагай..."

ҚОНУНИЙ ВАҚТ

Негаки, дунёнинг қайси бир чеккасида, тарихнинг қайси бир даврида бўлмасин, иқтисодий имконлар, истеъдодлар тўлиб-тошиб ётмасин, жамиятда уларни юзага чиқарувчи тенгсиз куч-қудрат — тегишли сиёсий муҳит йўқ экан, бирон миллат ва давлат юзага чиқмагани ва чирқилмаслигини ўтмиш ва замона тасдиқлаб қўйган ҳақиқатдир. Ибодат қилдириб, узоққа бориб нима қиламиз: бугунги сиёсий муҳитнинг шаклланиши, тобланиши йўли 2016 йил 19 октябрда миллий етакчимиз томонидан жамиятга тақдим этилган "Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қиладиган вақт келди" сиёсий чақирғидан бошланганини ким ҳам инкор қила олади!

Миллатимиз бундай вақт келишини узоқ, асрлар ичра кутди. Минг йиллар давомида авлоддан-авлодга ўтиб берган бир хил дунёқараш ва турмуш тарзида яшаб келдик: "қора", оми, узлуксиз онгсиз таш-тирилган халқ ҳўқимдорлар, амалдорлар... тикимсолидаги давлатга хизмат қилиб келди. Оқибати фожиаки бўлди: даярли юз эътиборли қарамлик турғи тушди юз анди бировларга хизмат қила бошлади. "Қорамиз" ҳам, "оқ суякларимиз" ҳам беғоналарга бирдек қўл бўлди. Қашшоғимиз ҳам, бойимиз ҳам бор-бўдимиздан айрилдик. Кейин ҳам кўзимиз очилмади...

Илгорларга ҳавас билан қарадик, уларнинг ютуқларини қайтаришга отландик. Бироқ бир ҳақиқатни тушуниб етмадик: ўшалардагидек марраларга эришмоқ учун улар риязат этган қонун-қоидалар бизнинг ҳам дунёқараш ва турмуш тарзимизга айланмоғи керак. Айтишга осон ушбу гални амалда самарали қўллаш, Ўзбекистон шарт-шароитида қаловини топиш энг оғир юмуш саналганини ҳам таъкидлаш лозим. Шу маънода, одамлар давлат идораларига эмас, давлат идоралари одамларга хизмат қилишидек сиёсий ғоя ва унинг қундалик ҳаётдаги ташкилий, ҳуқуқий тағбири неча асрлардан бешин музлаб ётган миллий дунёқараш ва турмуш тарзимиз қорларини ёндириб юборолдик, десак, тўғриси айтган бўламиз.

Демак, вақиллик идораларига бўлиб ўтган сайловлар даярли уч ярим йил бурун қўп минг йиллик тарихий тараққиётимизда очилган янги босқич йўлининг тўғри эканлигини исботлаб берди. Ислоҳотларда ҳам, туман, шаҳар, вилоят, мамлакат миқёсида, бутун юрт ва жаҳон кўз ўнгига келган очик ва кескин курашлар жараёнида исботлаб берди.

Шу билан бирга, шахсан биз учун энг улуг исбот-марра мана бунисидир: оми халқнинг тизгини қўйиб юборилса, кўзи очилса, тортишувларга оин берилса, халқ ичкига, тўртга, ўн тўртга, тўқсон ичкига бўлиб кетишига оид азалий "башоратлар" пуч экани амалда аёнлашди-қўйди.

Тўғри, сиёсий беллашувлар чоғида қушқондан чиқиб ҳолатлари бўлди. Нега ҳам бўлмасин? Бу борада бизда неча-неча авлоддан ўтиб келатган биздан тажриба, қўникама, маданият бўлмаса, қандай қилиб барчаси рисоладагидек ўтиши мумкин эди. Табиийки, бундан ортиқ бўлмайди. Тари-

химизда биринчи марта эканлигидан келиб чиқилса, қўтилганидан, шахсан биз ха-вотирланганидан кўра анча юқори сифат даражасида ўтди, десак, ошириб юбор-маган бўламиз.

Демократия қонунларига ҳос равишда сайловда қимдир ютди, қимдир ютмади. Умумийлат қўзи билан қарасак, ҳамма-миз ютдик, келажакимиз ютди: ниҳоят, халқ иродасини ҳокимият ўзағида шакл-лантириш борасида сиёсий қарашлар ва ҳаракатлар маданиятининг тамал тошини қўлдик.

Барака илму маърифатда

Миллий етакчимизнинг 2016 йил 30 декабрда, яъни Президентлик лавозими-га расман киришганидан икки ҳафта ўтар-ўтмас, илм-фан ахли билан учрашу-вида чуқур маъно бор эди. Одатда, бундай кунларда каттао кичик, барчанинг хаёли бир нарса — Янги йил байрами билан ба-д, эски йилни кузатиш, янгисини қўлиб олиш тараддуиди бўлади. Кимлигидан қатиб назар, ҳар ким келгуси йил яхши келиши-ни чин юракдан истади, умид қўлади.

Одамларни онгли равишда онгсиз қилиш давримиз тугаб, буёғига одамларни онгли равишда онгли қилиш учун кураш бошланган экан! Бу кураш, жангдаги қурол эса илм-фан, маърифатдир!

Бу сингари истак ва умидлар ҳар қандай замон, ҳар бир юртда бўлган, бўлади. Ҳамма гап уларнинг рўёбга чиқиши учун ижтимоий-сиёсий, иқтисодий шарт-шароит яратилишини оқилона ва унумли йўлини топа олиш ва қўлай билишдандир.

Оқиқасига тан оламиз: мазкур тадбир-ни телеканал орқали кузатганда, у ҳақида-ги ёзма ахборотни ўқиб-ўрганганда, Президентимизнинг муддаоларини англаб етандик. У ҳам бўлса, бундан буёнги ҳаёт ва ривожимиз негизиди илм-фан туради. Бироқ гир этиб ўтиб кетган ва улаб ту-шимизга ҳам кирмаган айрим кескин ўзга-риш ва янгиликларга бой уч йил, сўз ке-таётган учрашуви ўшанда биз ўйланганидан ҳам қўламлироқ мазмун-моҳиятини

қўзлаган экан: одамларни онгли равишда онгсиз қилиш давримиз тугаб, буёғига одамларни онгли равишда онгли қилиш учун кураш бошланган экан! Бу кураш, жангдаги қурол эса илм-фан, маърифат-дир!

Ўзбек миллати ва давлатчилиги тари-хини мақсус ва баҳоли қудрат ўрганиб ке-лаётган, сўнгги даярли чорак аср давлат бошқаруви тизиминида ишлаб, шу тарика қадим-қадимдан босиб келинаётган иж-тимоий-сиёсий, иқтисодий йўлимиз билан боғлиқ қонунларини бир бутунлида ўрганиш, англаш, ҳулосалаш имконига эга инсон сифатида айтган сўзимиз: шонли ва мураккаб ўтмишимизда эришилган барча ютуқлар, йўқотишларимиз илму маърифат омили билан боғлиқдир. Ўзбек миллати ва давлатининг кучи ҳам, қўнчилиги ҳам худди шу омилига боғлангандир. Ўзбекнинг трикилиги илму маърифатдандир! Бошқа-ларни бизга зор қилган, ўзимизни ўзи-мизга зор қилган ҳам худди шу омилига муносабатимиздандир. Ё у ёқлик, ё бу ёқлик.

Биз шундай миллатми? Ўзгача бўлол-майми? Бизнинг бичимимиз шундай. Пе-шонанимизга шундай ёзилган. Бир сўз би-лан айтганда, илму маърифат қонимизда бор.

зимининг аввал илмий, сўнг бошқа фаоли-ят муомалаларига кириб бориши, умуман, кишилик цивилизацияси, хусусан, илм-фан, таълим ривожига қанчалар самарали таъ-бир қўратгани ва қўрсатаётганини, ҳисоб-ки-тобни тизим ва унумлироқ бақаришда қундалик турмуш, аниққса, иқтисодиётда чексиз имконият турдирганини мутахассис-лар жуда яхши биладилар.

Рақамли технологияларни мураккаб ал-горитмларсиз яратиб бўлмамлигидан келиб чиқилса, алгоритм асосини улўғ ўзбек оли-ми Мухаммад Хоразмийни эслашга тўри келади. Рақамли иқтисодиёт эса рақамли технологиялар негизиде яратилади.

Тилга олинган тарихий ҳақиқат ўзбек илми тарихидаги "хамир учидан фил па-три", халос. Лекин минг афсуски, улар ҳақида биз ўтмиш майлида сўзлай ола-миз. Тан олайлик, темирйиллардан кейинги беш юз йилдан ортиқ каттагина муддатда давлатимизда илм-фанга эътибор аввал сўсадди, сўнг бутунлай йўқолди. Бу бора-даги натижа ҳам юқоридека ургу берилган масала — ижтимоий-сиёсий қоқоқлик оқибатидек фожиаки бўлди. Миллий етак-чимизнинг "Илм йўқ жойда қоқоқлик, жоҳол ва албатта, тўғри йўлдан ада-шиш бўлади" ҳикмати сўзларининг мар-зи ҳам шунда, деб биламиз.

Тўғри, хали олдимизда қўп қийинчилик-лар бор, ечилиши лозим жўмбўқлар етар-лидир. Президентимиз ҳар бир қиқилла-рида ушбу ҳақиқатга барчамизнинг диққатимизни тортиб келмоқдалар ва бун-дай ёндашуви оқилона, деб биламиз. Фалон йили, албатта, коммунизм бўлади, қабилида одамлар қўйини пуч ёноғқа тўлдириб, миллионлаб кишилар, неча-неча авлодлар умрини умидворлик ҳазонига ай-лантиришлари ҳам бошдан ўтказганмиз. Шу маънода, миллий етакчимизнинг "Тарихимизнинг янги саҳифасини яратишга қодир халқимиз. Бу йўлда қандай қийинчилик ва машаққатлар бўлмасин, барчасини мардонга ениб ўтишга тайёрмиз"дек ишонча йўғрил-ган даъватини тўла қўлаймиз. Яъни бир мушт — миллат бўлиб ўзимизга ишони-шимиз лозим!

Ишончимиз учун эса барча асослар бор. Ўтган ўтди қисқа муддатда турмуш-имизнинг барча йўналишларида эришган та-рихий натижаларимиз бунинг ақол тасди-қидир. Мазкур натижаларга эса, қўлимизга ўз миллий қўролимиз — илм ва билимни қайта олганимиз орқали эришдик: замона-вий бошқарув илми, иқтисодиёт илми. Зеро, айнан илм энг тўғри ва оқилона йўли қўрсатишга қодирдир. Демак, илм бор ерда эса, албатта, барака бўлади.

Мурожаатномада "жадидчилик ҳа-қати, маърифатпарвар болболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак-лиги, бу маънавий хазинани қанча қўп

ўргансак, бугунги кунда ҳам биз-ни ташвишга солаётган жуда қўп саволларга тўғри жавоб топиши-миз"га ургу берилгани беҳиз эмас, албатта.

Саволларни эса, давлатимиз раҳбарининг ўзи Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби ва музейнинг очилиши муносабати билан учрашу-вда ўртага ташлаган эдилар. **Жадид-чи болболаримиз яшаган замонада-ги вазият бугунги замонимизда борми-йўқми, уларга ўшаб ҳамма нарсадан воз кечиб, миллат ва Ватан учун курашга тайёрмизми, нима са-бабдан биз шу кунларга келиб қол-дик, эмасми... Қодирий қандай шароитда яшаб қаҳрамонлик қўрсатган эди-ку, биз қандай даврда яшаб қаҳрамон-лик қилишимиз керак...**

Маърифат нима? Маърифат билиш, англаш, таниш демақдир. Бундан қикди, агар миллат замонавий билимларга эга бўлмаса, ўзлигини англамаса, улугларини танимаса, оёғи остида битмас-туганмас бойликлар ётсин, далалариде "оқ олтин" ўссин, қўлида етмиш икки хил нуари бўлсин, бефойда экан: у фақат қорини ўйлаб яшайди. Ҳолос. Ҳали қўп қилиниши лозим катта ишларга қодир бўлайди, буюқ марраларни забт этолмайди. Ақин-ча, маърифат бор муҳитда кадр-қиммат бўй чўзади. Уз кадр-қиммати билган ин-сон, жамият яратувчан бўлади. Яратувчи-лик бор ерда эса, албатта, барака бўла-ди. Шу муносабат билан, сўнгги йилларда юз очган қўлдан-қўп мисоллардан атиги биттасини келтириб ўтамиз: **Эски шаҳар-да Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби, адиб музейи ва кутубхона қўрилгани ушбу гўшага яна барака кир-тиди. Қодирий — бу барака!**

Ҳар ким ўз аравасини ўзи тортиши керак

Табиат ва жамият қонунлари бир хил эмас. Аммо ҳар икковига ҳам ҳос бир қону-ният бор: ҳар қандай тирик зот ўзи учун ўзи курашиши лозим. Фирт ўзбекча ай-тганда, ҳар ким ўз аравасини ўзи тортиши керак.

Тўғри, инсон ўзидаги устунилар — ақл, ҳис-туйғулар сабаб неча минг йил-ларки, ушбу қонунияти одадийлаштириш-га интилиб келмоқда. Мазкур интилишлар ўлароқ турлган тушунча ва ҳодиса барча-мизга яхши маълу: адолат. Демократия, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти син-



гарилар ҳам аслида шу омил тантанаси учун изланишлар, интилишлар мақсултидир. Бироқ ўзи учун ўзи курашиш қонунияти йўққа чиқмади, чиқмайди ҳам. Тескари ҳолда, ҳаёт мазмунини йўқолади, тириклик йўқолади. Ҳўш, унда гап нимада?

Тан олайлик, биз қиян-қиянча ўрта асрлар дунёқарашини ва турмуш тарзида яшаб, ишлаб келдик. Бунинг ҳолис ва но-ҳолис сабаблари бор, албатта. Бироқ нима бўлганда ҳам, олам аҳлининг бир бўлиги аллақачон ундан воз кечиб, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ривожланишининг энг юқори сифат даражаси негизиде дунё-қараш ва турмуш тарзини қундалик тур-мушининг қонунига айлантириб бўлди. Улар бунга бирдангина эмас, асрлар оша келган машаққатлар орқали эришганлари ҳам чин. Аммо бу биз учун ҳам, ҳеч деганда, ўн йиллар зарур дегани эмас.

Ўтган уч йилдан ошмироқ муқддат мил-латимизнинг бу борадаги имконлари етар-ли ва кучли эканини исботлаб қўйди. Сўнгги сайловлар жараёни эса мазкур ҳулосани тасдиқловчи ўзига ҳос муҳр бўлди. Улар яна бир нарсани, биз юқоридека ургу берган қонуният абадийлигини исботлаб қўйдилар: ҳар бир партия, номзод, сайловчи ўзи учун ўзи курашиши лозим. Миллий етак-чимизнинг Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлисидаги "Ҳаммаимиз ўз аравасини тортидан қонуний вақт келди" сўзларининг ҳикмати ҳам шунда.

Азамат ЗИЁ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, тарих фанлари доктори, профессор.

САҲРОНИ ЧЕКИНТИРАЁТГАН БУНЁДКОР АВЛОД



ишлаётган, эвақцияларда жонбозлик кўрсатаётган, қисқаси, Мўйноқда танда қўйган бу раҳбарлар ёшларнинг чинакам қахрамонига айланди, десак, муболага эмас. Ёшлар, фидойи ёшлар отряди вакиллари уларнинг ортидан эргашаётир.

Айтиш жоизки, фидокорона бу хизматлар самараси қиёфаси тубдан ўзгараётган Мўйноқнинг бугунги жамолида ўз аксини кўрсата бошлади. Бу ерда 2019 — 2021 йилларга мўлжалланган махсус давлат дастури асосида 1 триллион 485 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилиб, биргина ўтган йилнинг ўзида 8 та болалар боғчаси, 7 та мактаб, 4 та спорт иншооти, 6 та тиббий муассаса ва 8 та маданият объекти бунёд этилди ҳамда қайта таъмирланди. 20 та кўп қаватли тураржой қурилиши жадал давом эттирилмоқда. Бинобарин, дастурга кўра, қисқа давр ичида 27 триллион сўмлик 75 та лойиҳа рўёбга чиқарилиши кўзда тутилган.

Бугун нафақат Мўйноқ, балки Оролнинг қуриган тубида бўлган кишининг олиб борилаётган ишлар кўламини ақли шошади. Урмонзорлар барпо этиш учун юзлаб замонавий техникалар, ҳатто авиация жалб этилган. Билага кунга тўлган йигитлар, талаба-қизлар, табиатга ошuftа қалблар шу ерда жам бўлган. Яшил ўрмонзорлар, кичик сув ҳавзалари барпо этишда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан БМТ шафелигида Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация маркази, Оролбўйи инновациялари қўллаб-қувватлаш фонди ҳам ақиндан кўмак бермоқда.

Орол фожияси таъсирини юмшатиш, минтақада экологик тизимни яхшилашга қаратилган бугунги ишлар салмоғини битта рақам мисолида яққол кўриш мумкин. Гап шундаки, Оролқумда 42 йил мобайнида жами 400 минг гектар саксовул экилган бўлса, ўтган қиш ва баҳор мавсумида бу хайрли тадбир 500 минг гектар ерда бажарилди. Эндиликда саксовулзорлар майдонини 700 минг гектарга етказиш учун мамлакат

ёшлари бир тану жон бўлиб меҳнат қилишмоқда. Айтиш жоизки, бугун ушбу эзгу ишларга ҳисса қўиш иштиёқида Мўйноққа, Орол худудига келатган ёшлар қарвонининг охири қўрингани йўқ. Аксинча, кун сайин кўпаймоқда. Мўйноқ кўчалари, хонадонлар, кенгликлар ёшларнинг шодон кулгиларига тўлган. Чунки бунда дилкаш суҳбатлар, бунёдкорлик, яратувчилик ишлари қизимоқда. Кенг саҳро бағридаги ловуллаган гулхан атрофида ёш авлод вакиллари саҳро қахрамонлари билан дилдан суҳбат қилиб, истиқбол режаларини белгилашмоқда. Ушбу учрашувларда кўрсатилган йўл-йўриқлар, берилган ҳаётий маслаҳатлар Ёшлар иттифоқи

Хали дунё аҳли бизнинг мўъжизалардан ҳайратда қолади

Зиновий НОВИЦКИЙ, кишлоқ хўжалик фанлари доктори:

— Мўйноқ, албатта, гуллаб-яшнади. Бу ерда қурилиш гуруҳлари тузилади. Унга гайратли, меҳнаткаш ёшлар жалб қилинади. Денгизнинг қуриган тубида Мўйноқ ёшларининг уйлари қад ростлайди. Юзлаб аскар ва сержантлар бу ерда ҳарбий хизматни ўтаб, она Ватанимиз ривожини ўз улушини қўшади. Қўлигул, хунарманд йигит ва қизлар бунёдкорлик ҳамда ободонлаштириш ишларида қатнашади. Йигит-қизлар турли касбларга ўқитилади ва қайта тайёрланади. Мана, кўраси, ҳали дунё аҳли бизнинг мўъжизалардан ҳайратда қолади.

Сўз ва иш бирлиги

Шароф УСНАТДИНОВ, «Нуроний» жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси:

— Биламиз, Орол денгизи ўтган асрнинг 60-йилларидан қуриб бошланди. 80-йилларда денгизимиз кўринмай қолди. Бироқ биз кимдир ёрдам беради, деган фикр билан яшадик. Аммо амалий ишлардан дарак бўлмади.

2017 йилдан Президент ташаббуси билан Орол денгизи тубида катта ишлар бошланди. Мамлакатимизнинг барча вилоятларидан раҳбарлар, ҳашарчилар келиб, денгиз худудини яшатишда фаоллик кўрсатди ва бу жараён ҳали ҳам давом этмоқда. Узини Ўзбекистон фуқаросиман, деган инсон Мўйноққа келиши шарт. Президентимиз ташаббуси бошқа юртларга, дунё халқларига намуна бўлади. Зеро, сўз ва иш бирлиги таъминланган жойда барака бўлади. Бунинг учун фақат меҳнат қилишимиз керак. Барча раҳбарлар ёшларга ўрнак бўлиши лозим. Ёш авлод эса катта авлод изидан эргашиб, уларнинг ишини давом эттиради.

Вазиятга теран нигоҳ билан боқсак, денгиз қайтмаслиги тобора аниқ бўлиб қолмоқда. Лекин денгиз кўйидаги худудга қайноқ ҳаёт завқини қайтариш у қадар қийин иш эмас. Мухими, ушбу эзгу мақсад йўлида улкан ишлар олиб борилмоқда. Унинг самараси яқин йилларда кўзга ташланиши кутиляпти. Зеро, бугун қадалган саксовуллар, ҳадемай, соя ташлаб, саҳро йўлига гов бўлади.

Ҳидоят АҲМЕДОВ («Халқ сўзи»)



аъзолари, ўқувчилар, аскар-сержантлар, ёш офицерлар кўнглини тоғдек кўтармоқда. Буни уларнинг дил сўзларидан ҳам англаш мумкин.

- ✓ «Орол чекинса ҳам, биз чекинмаймиз!»
- ✓ «Биз Ватанга керак бўлсак, Мўйноқда саксовул бўлиб кўкаришга тайёрмиз!»
- ✓ Оролқум чангига «яшил қалқон» гов бўлади.
- ✓ Мўйноққа файз-барака кўнмоқда.



Кувонарлиси, бу ўзгаришларга улуш қўшаётган, ўрмон барпо этувчилар беғоналар эмас. Унинг бунёдкорлари эртаимизга бефарқ бўлмаган қорақалпоқ элининг, юртимизнинг ёшларидир. «Орол чекинса ҳам, биз чекинмаймиз!» деган шир остида бирлашган йигит-қизлар «Биз Ватанга керак бўлсак, Мўйноқда саксовул бўлиб кўкаришга тайёрмиз!» дея баралла айтишмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Т. Худойбергенов ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси Раиси, Ўзбекистон Қахрамони М. Ерниязовнинг Оролбўйи ёшлари билан учрашувлари уларга янгича руҳ, гайрат-шижоат бағишлади. Ёшлар билан елкама-елка туриб

Самолётда саксовул уруғларини сепямиз

Айбек УРИНБОЕВ, Махсус табиатни тиклаш батальони мuddатли ҳарбий хизматчиси, оддий аскар:
— Давлатимиз раҳбарининг ёшларга улкан ишонч билдираётгани катта ифтихор. Ўз навбатида, биз ҳам ушбу эътибор ва ғамхўрликка куч-гайратимиз, фидойилигимиз билан муносиб жавоб беришимиз керак. Бугун ҳеч ким Орол тақдирига бефарқ эмас. Бундай эзгу ва савобли ишда биз, ёшлар фаоллигини зиммамизга олишимиз лозим. Шу боис Оролнинг қуриган тубида она Ватанин химоя қилиш йўлида фидойи ёшлар гуруҳи, ҳарбий сержантлар,

ёш офицерлар ва тажрибали мутахассислар жон-гани билан меҳнат қилаяпти. Фурсатни бой бермасдан, барчамиз механизаторлар ёнида туриб, Орол тубида саксовул уруғларини, орзу-умид нишонини бўлган ниҳолларни ерга қадаямиз. Қўмларни қоқ ёриб, сув учун ариқлар очяпмиз. Самолётда денгизни кўздан кузатиб, ҳаводан саксовул уруғларини сепямиз. Эл юкини кўтараётганимиздан, оғирини енгил қилишга ўз хиссамизни қўшаётганимиздан мамнунмиз. Меҳнат отрядлари, ҳақиқатан ҳам, ҳаёт мактабидир.

Фидойи ёшлар отрядида ишлаётганимдан фахрланаман

Соҳибжамол УТЕМУРАТОВА, ёш тадбиркор:
— Бунга кимнингдир кўрсатмасига кўра эмас, балки ўз хоҳишим билан киришдим. Сабаби, тенкурлар билан бир сафда бўлиш келажакда мустақил ва эркин фикрлайдиган, алу юртга керакли инсон қилиб тарбиялайди. Сабрни мустаҳкамлайди. Жисмонан соғлом бўласан. Қолаверса, ўз меҳнатинг, пешона теринг эвазига топган иш ҳақингни қадрлашни ўрганасан. Бундан завқланасан. Зеро, меҳнатнинг самарасини кўриш ва Ватанга хизмат қилиш бахтдир.

Чўл ва тузга чидамли ўсимликлар экиш лойиҳаси бўйича халқаро грант қолиби бўлдим

Гулбану АЛМЕНОВА, ёш биолог:
— Ўтган йили чўл ва тузга чидамли ўсимликларни экиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқиб, Олмаота шаҳрида химоя қилдим ва халқаро грант қолиби бўлдим. Шу йилнинг 10 январь кuni Орол денгизи қуриган тубида ўтказилган Халқаро пресс-клуб тадбирида Орол худудидида амалга оширилаётган эзгу ишларда ёшлар фаоллигини ошириш борасида сўз кетганда, ўзим қилаётган ишлардан қувондим. Ушбу мулоқот биз, қорақалпоғистонлик ёшларга кўтаринки кайфият бағишлаб, яратувчанликка ундади.

Тадбирда нуронийлар, тажрибали мутахассислар сўзга чиқиб, ёшларни Мўйноқда бўлаётган таърихий ўзгаришларда фаол қатнашишга қаҳқирди. Албатта бу эзгу мақсадлар амалга ошади. Денгиз тубида кўркам ўрмонзорлар пайдо бўлади. Кўкка бўй чўзаётган саксовуллар кун келиб, савдатли «чўл маликалари»га айланади. Ана шунда учаётган қумлар тинади. Тузли қатламлар ҳосилдор ерларга айланади. Куён, кийик каби жониворларнинг югуриб юрганини кўриб, кўзимиз қувнади.



РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

UzBuild

21-ХАЛҚАРО ҚУРИЛИШ КЎРГАЗМАСИГА

хуш келибсиз!

www.uzbuild.uz

КУРИЛИШ ТЕХНИКАСИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР

BuildTech

www.buildtech.uz

2020 25-28 ФЕВРАЛЬ

Ўзбекистон, Тошкент, «ЎзэкспоМарказ»

Кириш фақат соҳа мутахассислари учун!

Ташкилот-чек

Гтеса

+998 71 205 18 18

ONLINE РЎЙХАТДАН ЎТИНГ

Сувотна № 3563

Bobcat

«TOW Co., Ltd»

қўшма корхонаси махсус қурилиш техникаларини таклиф қилади.

www.uztow.com

Маҳсулотлар сертификатланган.

Ушбу жойда **Сизнинг** рекламаниз бўлиши мумкин эди!

Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamax@mail.ru, reklama@xs.uz

«Universal Services of Central Asia»

хорижий корхонаси эҳтиёт қисмлар таъминоти ва сервис хизматларини кўрсатади.

Манзил: 100099, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси, 87-уй. Тел.: 71-200-00-27 /28.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 60 552 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Телефонлар: 71-233-52-55; 71-233-10-28; 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади.

Газетанинг етказиб берилиши учун обуванни расмийлаштириган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Р. Шеркулов.
Мусахҳх — С. Исломов.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.15 Топширилди — 02.15 1 3 4 5 6